МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 2 ноябрь. Шанба №93 (955) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



ЎзА сурати.

**Мамлакатимиз спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан мунтазам ўрин олиб келаётгани ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга ҳисса қўшаётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.**

Шу йилнинг 20-27 октябрь кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида истеъдодли полвонларимиз — Руслан Нурудинов ва Улуғбек Алимов ғалабалари муносабати билан Ватанимиз байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашган 59 давлат орасида умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларимиз эл-юрт ардоғида, уларни муносиб рағбатлантириш доимий эътиборда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 30 октябрдаги фармонига мувофиқ жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Руслан Нурудинов «Ўзбекистон ифтихори», Улуғбек Алимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида 1 ноябрь куни жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорларига Ватанимизнинг юксак мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

> [4]

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## ТАДБИРКОРГА ҲАМ КЎМАКЧИ, ҲАМ МАСЛАҲАТЧИ

**Шуҳрат Қосимов кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлангани, соҳага қатор имтиёз ва переференциялар берилганидан руҳланди. Ҳунарли йигит, айни эл-юртга хизмат қиладиган, наф келтирадиган ёшда.**

Бироқ у тадбиркорлик учун имтиёзли кредит олиш тартиби, бизнес-режа тузиш йўл-йўриқларини, хуллас, ишни нимадан бошлашни билмасди. Ўзи истиқомат қилаётган Олмазор туманидаги «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Маслаҳат маркази» бу борада унга елкадош бўлди.

— Машғулотлар ҳафтанинг муайян кунлари, ҳуқуқшунослар ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази, солиқ инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилади — дейди Ш.Қосимов. — Қисқа муддатли ўқув курсида тадбиркорлик борасидаги дастлабки кўникмаларни олиб, жорий йилнинг сентябрь ойида фуқаролар йиғини кўмагида банкнинг имтиёзли кредитига эга бўлдим.

«Маслаҳат маркази» Ш.Қосимовдан ташқари, Д.Абдуллаева, М.Ғаниева каби ўнлаб ёшлар ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Қолаверса, йиғин мутасаддилари янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғинларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида марказнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларни тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларга ишга жойлаштириши, ҳунармандларга бириктиришига оид қатъий талаблари ижроси юзасидан маҳалланинг 26 нафар йигит-қизини фойдали меҳнатга жалб этишди.

> [3]



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

*«Обод турмуш йили» Давлат дастурида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, унинг ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказий маслаҳат поликлиникаси замон талабларига мос, сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Таъкидлаш жоизки, мазкур марказ юрак қон-томир касалликлари таркибига кирувчи артериал гипертония, юрак ишемик касаллиги, қон айланиши, юрак аритмиялари хасталикларини ташхислаш ва даволаш бўйича янги стандартларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш борасида илмий ва ташкилий тадбирларни ўтказишда етакчи муассасалардан ҳисобланади. Бу ерга нафақат юртимиз, балки қўшни республикалардан ҳам беморлар мурожаат қилиб келишади.*

*Поликлиникада биокимё лаборатория, бадантарбия хонаси, рентген, физиотерапия, эхокардиография, ультратовуш диагностикаси каби тиббий хизмат хоналари аҳолига самарали хизмат қилмоқда. Янги ультратовушни эшитиш аппарати ҳозиргача фойдаланиб келинганларидан тубдан фарқланади. Мазкур ускуна худди автомобиль тезлигини ўлчайдиган радарни эслатади: юрак томирларида оқаётган қон ҳаракатини шифокорга аниқ кўрсатиб туради. Шу билан бирга, организмни текшириш жараёнида юрак, ўпка, жигар ҳаракатининг шовқинини ҳам эшитиш мумкин.*

*Германиядан келтирилган «Кеттлер» тиббий ускунаси ёрдамида нафақат юрак, балки бел, оёқ бўғимларидаги касалликларни ҳам аниқлаш мумкин. Унинг яна бир қулайлиги шундаки, касалликни билиш учун бемор муайян вақт мобайнида махсус велосипедни ҳайдайди ва ҳаракат вақтида танадаги ўзгаришлар компьютер экранида кўриниб туради. Бу эса касалликка тўғри ва юқори аниқликда ташхис қўйишда муҳимдир.*

*Марказ Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳамид Олимжон номли маҳалла ҳудудида жойлашган бўлиб, фуқаролар йиғини билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.*

*— Маҳалламизда 3270 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мукамбар Шермуҳаммедова. — Ҳудудимиздаги кардиология маркази йиғин аҳлини бепул тиббий кўрикдан ўтказади. Марказ томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари дори-дармон билан таъминланмоқда. Оилаларимизда соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб этилаётгани боис оғир хасталикка чалинганлар, айниқса, юрак касалликлари билан оғриган беморлар йўқ. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, илгари юрак хасталиклари билан оғриган беморлар жарроҳлик операцияси учун хорижга боришарди. Энди бунга асло ҳожат қолмади. Чунки давр талабига тўла жавоб берадиган Республика ихтисослаштирилган кардиология марказий маслаҳат поликлиникасида кунига ўртача 250 беморни тиббий текширувдан ўтказиш имкони мавжуд.*

Дилдора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

## ОБОДЛИК БЕКАТЛАРИ ОРАСИДАГИ МАНЗИЛ

**Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб боряпти.**

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунлари асосида ўтказиладиган навбатдаги сайлов ушбу халқчил бошқарув тизимида фаолият олиб борувчи кадрларни тўғри танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошқарув тизимини ислоҳ қилишда маҳаллалар асосий таянч қилиб олингани туфайли юз берган катта ўзгаришларни Жиззах вилоятидаги 306 та фуқаролар йиғини фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг ваколатини кенгайтириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, аввало, маҳаллаларнинг янада обод бўлишида яққол намоён бўлаётир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган аввалги сайловдан сўнг ўтган давр мобайнида йиғинлар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Маҳаллаларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, айниқса, аҳолининг жипслашуви, ягона мақсад сари интилиши қўлга киритилаётган ютуқларнинг асосини ташкил этади.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## САЙЛОВ ЯКДИЛЛИК ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ




**Мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловларга қизғин ҳозирлик кўрилаётир.**

Ушбу сиёсий жараёнга Сирдарё вилоятида ҳам пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Сардоба туманидаги 20 та маҳалла, 6 та қишлоқ ва битта шаҳарча фуқаролар йиғини сайловга шай ҳолатга келтирилган. Туманда сайлов жараёнлари 12 ноябрдан бошланиши белгиланди.

Ишчи гуруҳлар томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, кўча ва биноларга сайловни якдиллик ҳамда фаоллик билан ўтказишга чақирувчи шиорлар илинган. Шунингдек, аҳоли гавжум ҳудудларга сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жойлар кўрсатилган жадваллар осилгани фуқароларнинг ушбу жараёнда фаол иштирокини таъминлайди.

> [2]

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

## Такомиллик — давр билан ҳамоҳангликда

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда маҳалланинг роли ва таъсири катта, албатта. Зеро, у ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар масканидир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шунинг баробарида, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилиниб, йиғин фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича бир қатор муҳим ўзгаришлар киритилди.

> [2]

ЭЪТИРОФ

## МЕҲМОНДЎСТ ДИЁРГА ҲУРМАТИМ ЧЕКСИЗ



ЎзА сурати.

**Ўзбекистон. Бу қадимий диёр ҳақида кўп эшитганман. Халқларимиздаги ота-онани улуғлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат туйғулари ўзаро муштарак.**

Эътироф этиш керак, мени бу заминга оҳанрабодек чорлаган жиҳат ўзбек матоларининг довруғи, уларнинг табиий ранглар воситасида ўзгача жозиба касб этиши эди. Касбимни ривожлантириш йўлидаги эҳтиёж мени Ўзбекистонга, Фарғонага бошлаб келди. Ҳудуддаги ҳунармандчилик, савдогарликнинг илдизи теранлиги соҳа эгаларининг бугунги фаолиятидан сезиш қийин эмас.

Ҳозирда «Бешариқ текстиль» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида тикувчилик цехи мутахассиси сифатида фаолият олиб боряпман. Жараён жуда қизиқарли. Корхона ишни ярим тайёр хомашёдан эмас, балки пахта толасини йигириб, ип чиқаришдан бошлайди. Шу ернинг ўзида мато тўқилиб, турфа рангларга бўялади ва бичув-тикув цехларига ўтказилади. Айни вақтда ички ва ташқи бозорга 50 турдан зиёд маҳсулот етказиб берилмоқда. Айниқса, Россияда мижозларимиз сони ортмоқда.

Минг нафарга яқин ходим меҳнат қиладиган бу корхонага келганимга кўп бўлмаса-да, маҳаллий аҳоли билан тезда тил топдим. Мен ишлайдиган цехдаги аёллар ширинсўз, ўз касбининг усталари. Бир-биримизга тикувчиликнинг сир-асрорларини, матонинг ўзига хос хусусиятларини ўргатиб келяпмиз.

Корхонамиз Бешариқ шаҳридаги «Булоқбоши» маҳалласи ҳудудида жойлашгани учун йиғин раиси Қаҳрамон Тошқўзиев мени шу ердаги ҳовлилардан бирига жойлашишимга кўмаклашди. Ўзбекистонда маҳалла аталмиш ажойиб бирлик бор экан. Ҳар куни қўни-қўшнилар ҳолимдан хабар олишади. Ўзбек таомлари тайёрлашни ҳам ўрганиб олдим. Айниқса, менга палов жуда манзур бўлди. Уни маромига етказиб пиширишни ўргансам, Ҳиндистонга борганимда оила аъзоларимга ҳам тайёрлаб бераман.

Байрамлар, тўй-маросимларда иштирок этиб, ажойиб урф-одатларингизга гувоҳ бўлдим. Қувонарлиси, ўзбекистонликлар мени қадрдонидек, бир неча йиллик танишидек қабул қилди. Қайси тадбирда қатнашмай, мени уйларининг тўрига ўтказишади. Уларнинг меҳрли нигоҳлари, инсонийлиги, саховатини кўриб, юртингизга муҳаббатим шу қадар ошдики, буни сўз билан ифодалаб бериш қийин. Шу боис ҳам меҳмондўст диёрга, бағрикенг ўзбекистонликларга ҳурматим чексиз.

**Хариш ЧАНДРА ДАШ,**
**«Бешариқ текстиль» ОАЖ қўшма корхонаси мутахассиси.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: САЙЛОВДАН САЙЛОВГАЧА

# ОБОДЛИК БЕКАТЛАРИ ОРАСИДАГИ МАНЗИЛ










< [1]

Бугун вилоят марказидан Мирзачўл туманигача бўлган етмиш километрдан зиёдроқ узунликдаги катта йўлнинг икки четида барпо этилган Жиззах туманига қарашли «Учтепа», «Қўлама», Пахтакор тумани таркибидаги «Чаманзор», «Гулистон», Дўстлик туманининг «Мевазор» «Навбаҳор», Мирзачўлнинг «Ғалаба» каби обод манзиллари кишида ҳайрат ва ҳавас уйғотади. Бундай кўркам манзара Жиззах — Самарқанд йўли бўйидаги Ғаллаорол туманига қарашли Сарбозар, Молтоб, Бўстон, Бахмал туманидаги Оқтош қишлоқлари кўркига кўрк қўшиб турибди. Янги массивларнинг барчасида коммунал, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилган. Шунингдек, массивлар таркибида маҳалла идораси, минибанк ҳамда болалар спорт майдончаси ҳам борлиги аҳолига катта қулайлик яратди.

Бундай ўзгаришларнинг амалга оширилишида фуқаролар йиғинлари фаолларининг алоҳида ҳиссаси бор. Улар томонидан халқимизнинг тарихан таркиб топган миллий-маънавий қадриятларини тарғиб қилиш, энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш ҳамда маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишга катта эътибор қаратилаётир.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган 112 та, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига бағишланган 155 та, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзусида 571 та давра суҳбати, учрашувлар ташкил этилди. Оилалар ўртасида «Энг файзли оила», «Энг обод хонадон» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинаётир.

Сайловдан сайловгача ўтган даврда маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор ишлар бажарилди. Хусусан, Обод турмуш йилининг ўтган даврида 92 та фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари, 95 таси компьютер жамланмалари билан таъминланди. Бугунги кунда ўз биносига эга фуқаролар йиғини сони 116 тага, компьютер жамланмасига эга бўлганлари 211 тага етди. «Намунали маҳалла» дастури доирасида жорий йилда вилоятдаги ҳар бир туманда биттадан фуқаролар йиғини намунавий ҳолатга келтирилмоқда.

Аввалги сайловдан буён ўтган икки ярим йил маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим давр бўлди. Бу, аввало, давлатимиз томонидан фуқаролик жамиятининг ушбу институти мавқеини юксалтириш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани самарасидир. Айни пайтда вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида навбатдаги сайловларга тайёргарлик авжида.

2011 йил май-июнь ойларида ўтган сайловларда вилоятдаги фуқаролар йиғинларига 303 нафар раис ва уларнинг 2900 нафар маслаҳатчиси сайланган эди. Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган сайловларда 306 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилган.

Ўтган сайловдан сўнг маҳаллаларда эришилган муваффақиятлар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ишчанлик, ташаббускорлик фазилатлари нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, ҳудудларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар номзодлар бўйича таклифлар тайёрлашга қонунда белгиланган талаблар асосида ёндашишмоқда. Демак, навбатдаги сайлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

**Абдумажид САТТОРОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

# ТАКОМИЛЛИК — ДАВР БИЛАН ҲАМОҲАНГЛИКДА



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан фуқаролар йиғинининг ўз фаолият йўналишлари бўйича комиссияларининг Намунавий низомлари тасдиқлангани эса йиғин фаолиятини давр билан ҳамоҳанг тарзда такомиллаштирди.

Намунавий низомларда Комиссияларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш бўйича муҳим қоидалар белгиланибгина қолмай, вазифалар аниқлаштирилиб, комиссиялар таъсир доираси янада кенгайтирилди. Масалан, Намунавий низомга кўра, йиғиннинг Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда қатор ташкилотлар билан бирга, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳам ҳамкорлик қилади. Хўш, бу борада қандай ишлар олиб борилиши лозим?

Аввало, комиссиянинг асосий вазифаларидан бири маънавият ва маърифат ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини оширишга қаратилган тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир. Демак, бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари билан мустаҳкам алоқа яхши натижа беради.

Шу ҳақда гап кетганда, таъкидлаш жоизки, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда марказнинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 12 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилди. Бу тадбирларнинг 3970 таси айнан фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда маҳаллада ташкил этилгани аҳамиятлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил февраль ойидаги йиғилиши баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастур ижроси юзасидан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда «Маҳаллани обод қилиш — ижтимоий ҳаётнинг муҳим шарти», «Маҳалла, дин ва маънавият», «Ватан ҳимояси — ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи» каби мавзуларда 2498 та тадбир ўтказилди.

Шунингдек, марказ ва унинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари томонидан «Ёш авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни», «Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик», «Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрайлик» каби мавзуларда 1000 дан ортиқ давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий тадбирлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Энг муҳими, улар аҳолининг маънавий дунёқарашини ошириш, ҳар бир фуқарода мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳиссини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, Республика Маънавият тарғибот маркази фаолиятининг асосий йўналишларидан бири мамлакат аҳли, айниқса, ёш авлоднинг дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил, онгли муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтиришдан иборат. Шу боис маҳаллалар билан ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлигимиз миллий урф-одатлар ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этишда қўл келяпти.

Бу йўналишдаги тадбирлар Намунавий низомда бевосита фуқаролар йиғинининг Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиясининг асосий вазифалари сирасига киритилган. Демак, бажариладиган ишлар кўлами янада ортди. Энди бу борадаги тадбирларимиз савиясини ошириш, маҳаллаларнинг ҳар бирига кириб бориб, миллий ғоя тарғиботини кучайтиришимиз учун ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Намунавий низомда қайд этилишича, комиссия турли маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиш ҳамда амалга оширилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиб боради. Шунингдек, маҳалла ва оилалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилишига, фуқароларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўймаслик ҳам унинг мажбуриятларига киритилган.

Миллий истиқлол ғояси халқнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятни ривожлантириш, ўзликни англаш, маданий мерос ва тарихий ўтмишга ёшларимизда чуқур ҳурмат, уни ўрганишга интилиш туйғуси кучайиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Низомда бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва маънавият тарғиботига оид ваколатли давлат органлари қарорларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиш ҳам Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллаларда бу йўналишдаги тарғиботни янада жонлантириш зарур.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида келтирилганидек, маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Нурали ПАРДАЕВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири.**

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН

## Тенг сайлов ҳуқуқи

САВОЛ:

*— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда тенг сайлов ҳуқуқи, деганда нима тушунилади?*

ЖАВОБ:

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

Тенг сайлов ҳуқуқи муомала лаёқатига эга 18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда умумий ва тенг шароитларда қатнашишларини ифодалаб, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи сабабли камситилишига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципи сайловдаги ҳар бир иштирокчи фақат битта сайлов рўйхатига киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган. Шунингдек, сайловчилар ҳар бир лавозимга номзодлар ичидан фақат битта номзодга овоз бериши мумкин.

**«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун асосида тайёрланди.**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Сайлов якдиллик ва фаолликни талаб этади

< [1]

Барча фуқаролар йиғинларида тузилган ишчи гуруҳлари йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаб, тегишли комиссияга тақдим этдилар. Бунда раис лавозимига 3-5 нафар номзоднинг кўрсатилгани аҳоли ўртасида танлов имкониятини кенгайтириб, сайловнинг тенг ҳуқуқлилик, адолат тамойиллари асосида ўтишига замин яратади.

— Жараённинг юқори савияда ўтишида сайлов учун белгиланган жойлар муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сардоба тумани бўлинмаси раиси, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссия аъзоси Абулқосим Эргашев. — Шу боис аҳолига қулай ҳудудлар, асосан, мактаб, коллеж ва тиббиёт масканлари сайлов ўтадиган жой сифатида белгиланиб, шай ҳолатга келтирилди. Қолаверса, куз-қиш мавсумини инобатга олган ҳолда бинолардаги иситиш тизимлари қайта назоратдан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ўтказиладиган жорий йилги сайловлар барчани бирдек уюшқоқликка чорламоқда.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

* * *

Жорий йил Бухоро вилоятида 550 нафар фуқаролар йиғини раиси ва унинг 4500 нафардан ортиқ маслаҳатчилари сайланади.

Айни пайтда ушбу муҳим сиёсий жараёнга масъулият ва талабчанлик билан ёндашилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан сайловни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар тузилди.

Жондор туманидаги «Луқмон» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият бошлаган ишчи гуруҳи томонидан кўчалар, аҳоли пунктларида учрашувлар ташкил этилиб, иштирокчиларга амалдаги сайлов қонунчилиги хусусида тушунтиришлар берилмоқда.

— Маҳалламизда 1,2 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди ишчи гуруҳи раиси Ҳайит Наврўзов. — Аҳоли билан ўтказилган йиғилишларда фуқароларнинг маҳалла тизимига нисбатан ишончи, шу билан бирга, талаби ҳам ошиб бораётганини сезиш мумкин. Бунга биз маҳалла раислигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек, вакилларни сайлаш жараёнида ҳам гувоҳ бўляпмиз.



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга биноан, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш айнан ушбу вакиллар томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади. Ҳозирда аҳолидан муқобиллик асосида уч нафар раисликка талабгорлар номзоди олинди. Сайлов куни овоз бериш жараёнида қатнашиш учун эса кўчалар ва аҳоли пунктларидан 40 нафар вакил сайланди.

Умуман олганда, бугунги кунда ҳудуддаги жами 52 та фуқаролар йиғинида сайловга тайёргарлик жараёни пухта ҳозирлик билан давом эттирилмоқда.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ЕЧИМ ТОПАДИ

# САМАРАДОР, ТАЪСИРЧАН ВА ШАФФОФ

**Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, қаноатлантириш — демократик тамойиллардан. Зотан, ҳар бир ариза ортида инсон тақдири, уни қийнаётган муаммо, орзу-интилиши мужассам.**

Ховос туманида фуқароларнинг аксарият мурожаатларини маҳаллада қабул қилиб, ечимини кутаётган масалаларни жойида ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилган. Демократия дарсхонаси — маҳалла институти ўзининг тобора кенгайиб бораётган ваколатлари доирасида аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ўрганиб, холис ва адолатли қарор чиқараётгани юртимизда самарадор ва шаффоф тизим фаолият юритаётганидан далолатдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ховос тумани бўлинмасига ҳам фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушади. Ишимизни ариза ва шикоятлар билан чуқур танишишдан бошлаш одатга айланган. Яқинда уч нафар ногирон фарзанди бор она ўз муаммоларини ечишда ёрдам сўради. Унинг оилавий шароитини ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан бирга ўргандик. Ҳолат ўз тасдиғини топгач, бу оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилди.

«Тинчлик» маҳалласида яшовчи Зулайҳо Зулҳайдарова мурожаатида уй-жойини таъмирлашда кўмак сўраганди. Ушбу масалани ечишда вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кўмагидан фойдаландик. Шунингдек, бу ишга туман ҳокимлиги ҳам жалб этилди. Касаба уюшмалари оилага юртимизда ишлаб чиқарилган музлаткич совға қилди, туман ҳокимлиги кам таъминланган оиланинг уй-жойини таъмирлашда бош-қош бўлди.

Ногиронларнинг ариза ва мурожаатларига ечим топишда фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлигимиз қўл келаётир. Жорий йилнинг шу даврига қадар 3 нафар ногироннинг никоҳ тўйини ўтказишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатдик.

Туманимизда 47 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Ариза ва мурожаатлар билан ишлашда доимо улар билан ҳамкорликда иш тутамиз. Фонднинг туман бўлинмасига асосан моддий ёрдам сўраб мурожаат этишади. Биз уларни ўрганиб, ҳал этишда фуқаролар йиғинларининг кўмагига таянамиз. Уларнинг кучи билан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш, эҳтиёжманд оилалар ва фуқароларнинг мурожатларига ечим топишга муваффақ бўлмоқдамиз.

Жорий йилда олий ўқув юртларининг 3 нафар талабасига 5 миллион сўмлик шартнома тўловлари тўлаб берилди.

Саломатликни тиклаш ва даволаниш учун маблағ сўраб битилган аризаларнинг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда I гуруҳ ногирони Шаҳноза Абдувоҳидов даволаниши учун моддий ёрдамга муҳтожлигини билдириб, ёрдам сўради. Ариза ўрганиб чиқилиб, шифокорлар маслаҳати ва тавсиясига кўра, клиника ҳисобига 1 миллион 969 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Беморларнинг саломатликларини тиклаш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш савобли иш. Шу боис фуқаролар йиғинлари кўмагида бундай тадбирларга ҳомийлар маблағларини жалб этиш, тумандаги тадбиркор ва саховатли инсонларнинг иштирокини кенгайтириш устида жиддий иш олиб борилмоқда.

Мурожаатларни ўрганишда «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий риоя қилинмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини иложи борича тезда ўрганиш, тегишли тарзда ҳал қилиш учун узоғи билан 10-15 кун вақт сарфланмоқда. Баъзан ҳолатни ўрганишга қўшимча вақт талаб этилади. Бунда Қонун талабларига таянган ҳолда бир ой муддатда ўрганилиб, ўрнатилган тартибда муаллифга жавоб йўллаш амалиётидан фойдаланилмоқда.

**Ғулом НОРБЎТАЕВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Ховос тумани бўлинмаси раиси.**

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ТАДБИРКОРГА ҲАМ КЎМАКЧИ, ҲАМ МАСЛАҲАТЧИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Бу каби манзараларни бугун республикамизнинг 5200 дан ортиқ фуқаролар йиғинида ҳам кузатиш мумкин. Айни пайтда юртимизнинг барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида «Маслаҳат маркази» фаолиятини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган «Оилавий бизнес, касаначиликни ривожлантириш масалалари, яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар, эришилаётган натижалар» мавзусидаги матбуот анжуманида батафсил маълумот берилди.

Айнан «Маслаҳат марказлари» фаолияти таҳлил этилиб, маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида Фонд ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, эришилаётган натижалар ҳақида сўз борган анжуманда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда Иқтисодиёт вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ, Хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа ҳамкор ташкилот вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, хусусий тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун асосида тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида «Маслаҳат марказлари»ни ташкил этиш мумкинлиги белгилаб қўйилгани алоҳида қайд этилди. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда 11 мингдан ортиқ тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилгани натижасида, Фонд тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўмаги билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20 мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилгани диққатга сазовордир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Фонд томонидан қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида маҳаллалар ҳудудида жами 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш ҳамда уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилишига кўмаклашилгани ҳудудлар инфратузилмаси ривожи, оилалар мустаҳкамлигини таъминламоқда.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш омилларидандир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 7 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида нонвойлик, сартарошлик, дурадгорлик, кулолчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, зардўзлик ва бошқа йўналишлар фаолияти ташкил этилгани, шунингдек, 5 мингдан ортиқ оилада касаначилик йўлга қўйилгани айнан шу мақсадларга хизмат қилаётир.

Жумладан, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги «Полохон» маҳалласида яшовчи Ирода Рашидовага «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан 10 та тикув машинаси олиб берилиши натижасида у хусусий корхона ташкил этиб, 15 нафар кам таъминланган оила хотин-қизини касаначилик асосида иш билан таъминлади ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида 85 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқишга эришди.

Маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшиламоқда. Жумладан, биргина Наманган вилоятида фонднинг бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари кўмаги билан 332 та сартарошлик, 232 та нонвойлик, 145 та косиблик, 59 та пойабзал ва 35 та маиший техника ускуналарини тузатиш устахонаси, 33 та тикув цехи фойдаланишга топширилиши туфайли 400 нафарга яқин аҳоли доимий иш жойига эга бўлди.

Фонд тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари томонидан 262 минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилиб, ўз хусусий бизнесларини ташкил этиш истагидаги фуқароларга 1 миллиард сўмдан зиёд банк кредитларини олишларига кўмаклашилди.

— Ҳудудимиздаги аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш устувор вазифаларимиздан, — дейди «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Муҳаббат Рихсиева. — «Маслаҳат маркази»да тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асослари мутахассислар томонидан ўргатилаётир. Марказ фаолияти доирасида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ҳудуддаги корхоналарга ишга жойлаштириш тадбирлари ҳам давом эттирилмоқда. Қолаверса, ёшларнинг ҳунарга қизиқишини ошириш учун маҳаллада истиқомат қилаётган ҳунармандларни ҳам машғулотларга жалб этганмиз.

Бу орқали ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинаётгани диққатга сазовордир. Тошкент вилоятидаги 921 та маҳалланинг ўзида 930 нафар ҳунарманд ўз амалий санъатини ёшларга ўргатиб келмоқда. Фонд ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташаббуси ва кўмаги билан жорий йилда вилоятда 145 та дурадгорлик, 10 та ёғоч ўймакорлиги, 25 та кулолчилик, 83 та темирчилик ва бошқа йўналишлар фаолият бошлади. Бундан ташқари, 210 та оила касаначилик билан шуғулланиб, 300 га яқин фуқаро фойдали меҳнатга жалб этилди. Уйида миллий ва замонавий либослар, хусусан, парда, гилам тўқиш, зардўзлик, каштачилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар қарийб 500 нафарни ташкил этади. Уларга жами 5 мингдан ортиқ йигит-қизлар бириктирилган.

Тадбирда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори асосида фуқаролар йиғинларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари намунавий Низомлари тасдиқланди. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар ўз намунавий Низоми асосида тегишли ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, томорқалардан самарали, оқилона ва мақсадли фойдаланишга кўмаклашиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Қорақалпоғистон Республикасида 50 та, Қашқадарёда 1740 та, Жиззахда 14 та, Сирдарёда 1130 та, Тошкент вилоятида 2492 та иссиқхоналар ташкил этилган. Бу эса қўшимча иш ўринларини яратиш билан бирга, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, шунингдек, деҳқон бозорларида полиз маҳсулотлари таннархининг пасайишига хизмат қилмоқда.

Бугун маҳаллаларни аниқ йўналтирилган хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш билан оилалар даромадини янада ошириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, энг муҳими, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга эришилмоқда.

Анжуманда маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталинди. Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Анжуманда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этди.

Ю.ХОЖИЕВА
«Mahalla»

СОЛИҚ ТИЗИМИ

# ИМТИЁЗЛАР СОҲА РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа ривожи йўлида барча шароит ва имкониятлар яратилган.**

Номоддий маданий меросимиз аҳамиятини ошириш, қўлда ишланадиган бадиий буюмлар тайёрлашнинг асрий анъаналарини ва уларнинг ўзига хосликларини қайта тиклаш, ҳунармандларга давлат томонидан мадад кўрсатиш мақсадида яратилган катта имкониятлардан ушбу йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлар кенг фойдаланмоқдалар. Айниқса, солиқ имтиёзлари ҳам халқ бадиий ҳунармандчилигининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан соҳа эгаларига қатор имтиёзлар берилган.

Фармонда хонадон шароитида юксак бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ ҳунармандларини маҳаллий хомашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлаш, кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказиш, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар ҳамда киоскалар тармоғини ташкил қилиш, ёшларни халқ санъати усталарининг маҳоратидан баҳраманд этиш устувор вазифа сифатида қайд этилди. Шунингдек, ҳужжатда ушбу фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда баҳолаши, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлганда қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилиши мустаҳкамланган.

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони билан бу соҳа янада эътибор топди. Унга мувофиқ, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари — якка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш юзасидан имтиёзнинг амал қилиш муддати тегишли ҳуқуқий меъёрларга асосан 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёз давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 28 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 25 та фаолият тури рўйхати асосида қўлланилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида бундай фаолият билан шуғулланувчи, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо якка тартибдаги тадбиркорлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 27 тага ошди. Бундан ташқари, 2012 йилнинг 26 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши оилавий тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Шу билан бирга, меъёрларда мустаҳкамланганидек, оилавий корхоналар 2014 йилнинг 1 январигача халқ бадиий ҳунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб, қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) 3 йил муддатга ҳамда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда кирхона хизматларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 5 йил муддатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озоддирлар.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётгани асрий анъаналаримизнинг давомийлигини таъминлаб, миллий ҳунармандчилигимизга ёшларнинг қизиқишини кучайтираётир.

М.ИСОҚОВ,
Шайхонтоҳур тумани
ДСИ бошлиғи ўринбосари.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

## Кредит олишда имтиёз мавжуд

САВОЛ:

*— Мен оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Бунинг йўл-йўриқлари, банкдан микрокредит олиш, гаров таъминоти ҳақида маълумот берсангиз.*

Мавлуда ЗАЙНИДДИНОВА.
Тошкент шаҳар,
Бектемир тумани.

ЖАВОБ:

— Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунига асосан, Сиз оилавий тадбиркорликни юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширишингиз мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сиз тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитни «Микрокредитбанк» маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан олишингиз мумкин. Мазкур банк томонидан имтиёзли кредитлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сонли «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан ажратилади.

И.ДАМИНОВ,
ҳуқуқшунос.

МАҲСУЛОТИ МАШҲУР МАҲАЛЛА

## Анорнинг ҳар донаси — воҳанинг дурдонаси

**Ангор деҳқон бозорига киргудай бўлсангиз, анорнинг сероблигига амин бўласиз. Тўғри, аксарият боғбонлар уни ҳали узиб олишганича йўқ.**

Шунга қарамай, эртапишар анорлар аллақачон аҳоли дастурхонини безади. Ҳўл мевалар орасида анор энг фойдали, энг харидоргир ва энг арзонидир.

Айни пайтда тумандаги Занг, Қорасув, Таллимарон, Кайран, Карвон, Гиламбоф, Новшаҳар каби қишлоқларнинг қай бирига борманг, сизни ҳар бири чойнакдек келадиган қирмизи, оқ-қизғиш тусдаги анор билан обдон сийлашади. Анор етиштиришда, айниқса, таллимаронлик соҳибкорларнинг олдига тушадигани йўқ. Бу ҳудуд ерлари унумдор, сувлари зилол, боғ-роғлари файзли.

Қишлоқ 7 та маҳалла фуқаролар йиғинидан иборат. Уларнинг барчасида анор етиштирилади. Айниқса, «Юқори Хўжақия» маҳалласи анорлари жуда машҳур. Маҳаллада 505 та шахсий хўжалик бўлиб, ҳар бир хонадон томорқасида камида 1-1,5 сотихдан анорзори бор.

Чори Нормуродов оиласи 20 сотих ерининг бир қисмида анор, бир қисмида унинг кўчатларини етиштиради. Улар ҳар йили анорнинг икки-уч хил навидан 1-1,5 тонна ҳосил олишмоқда. Шифобахш неъмат ниҳоллари ҳам каттагина даромад келтиради. Оиланинг дастурхони тўкин, рўзғори бут, шинам уй-жой ҳамда енгил автомашинага эга.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Бизнинг шароитда анор ниҳолларини қишда совуқ урмаслиги учун кўмишга ҳожат йўқ, — дейди «Юқори Хўжақия» маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби Зокир Тўлаев. — Шунинг учун ташвиши кам, сердаромад анорчилик билан шуғулланувчилар йил сайин кўпаймоқда. Анорнинг асосан қай, козоқи, ширидона каби серсув, узоқ вақт сақланувчи навлари парваришланмоқда. Маҳсулотлар сара бўлгани учун мижозларнинг ўзлари тупидаёқ савдолашишади.

Ангор анорзорларини кезиб, аҳолининг сердаромад ва шифобахш маҳсулотни етиширишнинг ҳадисини олганига амин бўлдик. Қўшимча даромад туфайли маҳалла кун сайин обод, оилалар мустаҳкам, дастурхонлар тўкин. Халқимиз дастурхонини мўл-кўл неъмат билан таъминлашга ҳисса қўшаётган таллимаронликлар тажрибаси эса ибратга молик.

М. АЗИМОВ
«Mahalla»

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# ФЛЕШКАРТАГА ЯШИРИЛГАН СИРЛАР

**Меҳнат қонунчилигига кўра ҳар ким истаган мамлакатига бориб ишлаши, иқтидори ва салоҳиятини намоён этишга ҳақли. Фақат ушбу жараёнларда қонун меъёрларидан оғишмаслик лозим.**

Ёлғон ваъдаларга учиб, сохта орзу-ҳаваслар гирдобига тушганлар эса сўнгги пушаймон азобида қолишлари тайин.

...Тошлоқ тумани Қашқар қишлоғида яшовчи Исломжон Қурбонов тезда бойлик орттиришни ўйлаб, хориж сафарига отланди. Уйдирма гапларга лаққа тушган йигит дастлаб қурилиш фирмасида ёлланма ишчи сифатида ишлади. Иш оғир, меҳнатга яраша манфаат йўқ. Икки-уч ойдан сўнг бошқа жойга иш излаб борди. Бироқ у ерда ҳам ноқонуний меҳнат муҳожирларининг ёлланиб ишлашдан бошқа иложи йўқ эди. Бир йилни минг азобда ўтказгач, ортга қайтиш арафасида уяли телефон сотиб олди. Янги «матоҳ» уни «янгиликлар»га бошлади. Интернетдаги турли сайтлардан диний маърузаларни кўчирди. Маънавий қашшоқ инсонни авраш, турли нағмага солиб, истаган мақомга йўрғалатиш мумкин. Авваддан диний билими саёз, бу борада оқни қорадан ажратолмайдиган ушбу кимса телефон флешка хотирасига разолатга бошловчи, бузғунчилик ғоялари билан суғорилган диний маърузалар, роликлар ва тақиқланган диний адабиётларнинг электрон нусхаларини жойлайди. Шундан сўнг авиачипта олиб, она юртга қайтади.

Ғаразли диний тарғибот билан «қуролланган» йигитга аэропортда божхона декларациясини аниқ ва рўй-рост тўлдириш тушунтирилди. Лекин у ўзида ахборот ташувчи восита йўқлигини билдириб, божхоначиларга фириб беришга уринди. Бироқ назорат чоғи қилмишлари ошкор бўлди. Экспертиза хулосаларига кўра, И.Қурбоновда сақланаётган ахборотлар фуқаролар тотувлигини бузишга қаратилгани боис хавфлидир. Флешкада келтирилган ваъзларда мавжуд ҳолатни беқарорлаштирувчи уйдирмалар мужассам. Чунки даъватларда Ўзбекистон Республикаси Конституцион тузумига, сиёсатимизга қарши ғоялар илгари сурилгани аниқланди. Очиқдан-очиқ ақидапарастлик ғоялари билан суғорилган, фундаментализм тарғиботига хизмат қиладиган бу материаллардан жамоат хавфсизлигига рахна солишда фойдаланиш мумкин.

И.Қурбонов ўз айбини тан олди, қилмишидан пушаймонлигини билдирди. Бироқ жиноятга жазо муқаррар. Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун у беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

— Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги 7 та маҳалла фуқаролар йиғинида бундай салбий ҳолатлар такрорланишига йўл қўймаслик, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш мақсадида кенг кўламли тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боряпмиз, — дейди Қашқар қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Абдумалик Юсупов. — 25 минг нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилаётган ҳудудимизда фаровонлик, тотувлик ҳукмрон. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, турли имтиёз ва имкониятларни аҳолига тушунтиришда маҳалла фаоллари, нуроний отахону онахонлар, ибратли оила бошлиқлари, серғайрат ёшлар иштирокида ҳар бир хонадонни қамраб оляпмиз. Мулоқотларнинг асосий мақсади — юртимиз тинчлиги, зарарли ғоялардан ёшларимиз, яқинларимизни асраш. «Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни», «Бир болага етти қўшни ота-она», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Тинчликдан улуғ неъмат йўқ», «Дин ва дунё» мавзуларида уч авлод учрашувлари, давра суҳбатлари ҳамда спорт мусобақалари ўтказиш анъанага айланган. Шу йилнинг ўзида қишлоқ фуқаролар йиғинида 10 дан ортиқ оилавий тадбиркорлик, янги ишлаб чиқариш тармоқлари ишга туширилиб, 100 нафардан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланди. Буларнинг барчаси маҳаллаларимиздаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Халқимизда: «Сўнгги пушаймон ўзингга душман», деган пурҳикмат нақл бор. Баён этган воқеамиз кераксиз ахборотлар тўплаб, ўз фикру хаёлини бузаётган айрим кимсаларга ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас.

Тоҳиржон ВАҲОБОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар суди судьяси.
Расул КАМОЛ
«Mahalla»

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ



< [1]

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилаётгани, бундай юксак эътибор самарасида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчилар вояга етаётгани алоҳида таъкидланди.

Польшанинг Вроцлав шаҳри мезбонлик қилган 80-жаҳон чемпионатида дунёнинг 300 нафардан зиёд энг кучли оғир атлетикачиси ғолиблик учун куч синашди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг чемпионатга пухта тайёрланиши ва беллашувларда муносиб қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим дастуриламал бўлди.

Мусобақанинг 105 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларида ўн етти мамлакатдан йигирмадан зиёд оғир атлетикачи ўзаро рақобатлашди. Чемпионлик учун кураш асосан уч спортчи — икки карра Осиё чемпиони ва Жаҳон универсиадаси ғолиби Руслан Нурудинов, россиялик жаҳон рекордчиси Давид Беджанян ва Лондон Олимпиадаси совриндори, польшалик Бартломей Войцех Бонк ўртасида кечди.

Ўзбек полвони штангани даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235 ва иккикураш натижасига кўра жами 425 килограмм натижа қайд этиб, умумий кўрсаткич бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Истиқлол тенгдоши Руслан Нурудинов оғир атлетикачиларимиз ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган биринчи спортчи сифатида мамлакатимиз спорти тарихидан жой олди.

Нуфузли мусобақада 77 килограмм вазн тоифасида қатнашган Осиё чемпиони Улуғбек Алимов штангани силтаб кўтаришда 197 килограмм натижа қайд этиб, кумуш медалга, иккикураш бўйича 355 килограмм кўрсаткич билан бронза медалга сазовор бўлди.

Оғир атлетикачиларимизнинг бу улкан муваффақияти юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод камолга етаётганини яна бир карра намоён этди.

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда эришаётган ғалабалари аввало мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

— Ватани шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг муқаддас бурчидир, — дейди жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Руслан Нурудинов. — Биз мусобақаларда халқимиз ва Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилиб турамиз. Бу туйғу бизни Ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда куч-ғайрат бахш этади. Насиб қилса, 2016 йили Бразилияда бўладиган Олимпия ўйинларида ҳам олтин медаль учун курашамиз.

— Жаҳон чемпионати шоҳсупасига кўтарилишни болалигимдан орзу қилардим, — дейди Улуғбек Алимов. — Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли бу орзум ушалмоқда. Бизнинг ғалабамиз — бутун халқимизнинг ютуғи. Камтарона меҳнатимизни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаган Президентимиздан миннатдормиз.

— Ўзбек спортчиларининг жаҳон майдонларида юксак натижаларга эришаётгани аввало мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимиз фаровонлиги туфайлидир, — дейди Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Шаҳрулло Маҳмудов. — Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун қулай шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан. Бунинг самарасида қитъа ва жаҳон биринчиликларида муносиб иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнидаги фаол фуқаролик позицияси ва фуқаролик жамияти тамойилларини, маҳалла тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги илғор тажрибаларни янада кенгроқ ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида*

***«ИСТИҚЛОЛ — ҒУРУРИМ, МАҲАЛЛАМ — ФАХРИМ»***

*кўрик-танловини ўтказади.*

Мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганини ҳамда маҳалланинг ноёб ижтимоий институт, демократик ва миллий қадрият-анъаналар маскани сифатида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни, аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда яқин ва ишончли кўмакчи, таъсирчан тузилма эканини аниқ мисоллар орқали ёритиш, шунингдек, фуқаролар онгу тафаккурида ўзини ўзи бошқариш тушунчасининг қандай шаклланаётганини кўрсата олиш кўрик-танловнинг бош мақсади этиб белгиланади.

Танловга жорий йилнинг 1 мартидан 15 ноябригача бўлган даврда газета ва журналларда эълон қилинган, радиода эшиттирилган, телевидениеда кўрсатилган, интернет нашрларида жойлаштирилган материаллар 20 ноябрь кунига қадар қабул қилинади.

**Ғолиблар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилади:**

**— Журналистика соҳасида бош мукофот. (1 та).**

Журналистика соҳасида бош мукофот соҳиби махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

— Асосий мукофотлар:

- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (телевидение соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (радио соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (даврий матбуот соҳасида);
- Энг яхши журналистик материал учун мукофот (Интернет-журналистика соҳасида).

Асосий мукофот ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланадилар.

«Истиқлол — ғурурим, маҳаллам — фахрим» танловини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш учун кетадиган маблағлар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Танловга теле-, радио- ва босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- Муаллифнинг исми шарифи;
- Профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- Муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;
- Паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида ўтказилади.

Танлов натижалари «Mahalla» газетасида эълон қилинади.

Мукофот битта шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Истиқлол — ғуруримм, маҳаллам — фахрим» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: 100000, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик кўчаси 59-уй 4-қават. Телефонлар: (8 371) 233-41-52, 236-37-66.

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

# САВАТ БАХТГА КАФОЛАТ...МИ?

**Қўшнининг уйида тўй бўлди. Барча шод. Келин-куёв эса худди жуфт кабутардек, бир-бирига жуда мос. Орадан бир ой ўтиб, ёш келинчак сепи билан ота уйига қайтди.**

Жон қўшним бўлгани учун бунинг сабабини сўрашга ботинолдим. Маъсума она бошини қуйи солганча, ўзи айтиб қолди:

— Қизимнинг туғилган кунида ноз-неъмат билан тўлдирилган олтита сават жўнатганим учун қайнонасининг жаҳли чиқиб, совғаларни қайтариб юборибди. Қудамнинг уйига бориб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилдим, лекин у киши: «Мени олтита саватга тенг кўрибсиз, орзу ҳаваси йўқ она экансиз», деб сўзимни эшитишни ҳам хоҳламади. Қизимнинг бахтини олтита сават ҳал қилишини билганимда эди...

Афсуски, бундай воқеалар ҳаётимизда оз бўлса-да учраб туради. Наҳотки, бойлик, ўткинчи ҳою ҳавас инсонга саодат олиб келса?!

Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг қизлари Фотима (р.а.) отасининг олдига келиб: «Отажон, мен буюк пайғамбарнинг қизи бўлсам, нега сепимни жуда одми қилгансиз? Сиз берган пўстакни кечаси ўнгини тўшасам, кундузи тескарисидан фойдаланаман. Кичкина шолчани эса кундузи кулбага соламан, кечаси кўрпа қилиб ёпинамиз. Шолча кичкина бўлгани боис мен ёпинсам, йўлдошим, у ёпинса, мен очилиб қоламан», деб ҳасрат қилганида, падари бузруквори шундай жавоб берибди: «Чироғим, бу дунёда мен фақирликдан фахрланаман».

Ҳозирда қизларимизга керагидан ортиқ сеп қилиб бермаяпмизми? Олишга олиб берамизу, лекин бир йил ўтмасдан сарподаги либосларини модадан қолди, деб киймайдиганлари қанча?.. Бозордан яна янгисини сотиб олишга ундаб, ота уйига қатнаган ёки куёвтўрани югуртирган келинларчи? Ота-оналар эса ўзини ўтга-чўққа уриб, оромидан, ҳаловатидан, энг ёмони соғлигидан айрилиб қолганини билмай қолишади. Ахир, булар ортиқча исрофгарчилик, тўқликка шўхлик эмасми?

Сиз нима дейсиз?

Дилдора ҚАРШИБОЕВА
«Mahalla»

# Йўловчига қулайлик

**Андижон шаҳри аҳолиси яна бир қулайликдан баҳраманд бўла бошлади.**

15 дона «ISUZI» русумли замонавий автобусдан иборат янги йўналиш шаҳар автошоҳбекатини Қўшариқ даҳаси билан боғлади.

— Бугун арзон ва тезюрар автобуслар хизматидан йўловчилар мамнун, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Андижон шаҳар бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи И.Хўжаев. — Янги шоҳбекат ва Қўшариқ даҳаси оралиғида жойлашган 12 та умумтаълим мактаби, 15 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда Андижон тиббиёт институти талабалари ушбу автобусларда дарсларга бепул қатнамоқдалар.

Мухбиримиз.


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

(миллий валютада)
«МУСТАҚИЛЛИК — 2013»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

(хорижий валютада)
«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.


*Диққат, янги акция!*

## «Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

**Ҳурматли юртдошлар!**

**Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.**

**Таҳририятта келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Натижалар газетада эълон қилинади.**

**Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади.**

**Ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.**

5-КУПОН

*Исм-шариф:* ____________

*Манзил:* ____________

*Телефон:* ____________

*Обуна бўлинган сана:* ____________

«ОБУНА — 2014»

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий Девони ҳамда Жамиятнинг Тошкент шаҳар бўлимининг думалоқ муҳрлари янги таҳрирдаги уставга мувофиқ ўзгарганлиги сабабли аввалги мазмундаги думалоқ муҳрлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.


Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

18000 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8418 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00